131

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Kattaqo`rg`on shahar
HOKIMI
QARORI

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
города Каттакургана
Самаркандской области
Республики Узбекистан

O'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo`rg`on shahri, Amir Temur ko`chasi, 4 uy. tel.: (836645) 6-25-13 faks.: (836645) 6-10-01

2017 у.г. «7» март №268-15 Kattaqo`rg`on sh. – г. Каттакурган

**"Каттақўрғон шаҳар Амир Темур МФЙ худудидан участка нозирига уй-жой қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида"**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 феврал куни "Ички ишлар органлари фаолияти, тизимида мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган" видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлардан келиб чиқиб, шаҳардаги участка нозирларини уй-жой билан таъминлаш ҳамда шаҳарсозлик ва ер кодексларига асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Каттакўрғон шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.

2. Каттакўрғон шаҳар Қушховуз МФЙ худудидан участка нозирларига уй-жой қуриш учун сатхи 0.035 Га ер майдони вактинчалик фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Шаҳар бош архитектори О.Розиковга, "Сувокова" давлат унитар корхонаси раҳбарига, шаҳар "Электртармоқлари" корхонаси раҳбари Б.Розиковга, "Каттақўрғоншаҳаргаз" филиали бошлиғи Б.Кенжаевга, "Самтелеком" Каттакўрғон шаҳар филиали бошлиғи Ҳ.Қодировга ер участкасининг муҳандислик коммуникациялар уланиш учун техник шартларни белгиланган тартибда тайёрлаш вазифаси топширилсин.

4. Каттакўрғон шаҳар архитектура ва қурилиш бўлими, ва Каттакўрғон шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси бошлиғи (У.Туропов)га ерни натура тарзида ўлчаб бериш вазифаси юклатилсин.

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни шаҳар ҳокимининг ўринбосари Д.Рахмонов зиммасига юклатилсин.

**Шаҳар ҳокими** **Б.Садуллаев**